

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 1 май, пайшанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (11.144)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА ТАРМОҚ САНОАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШ, СОҲА ИЧИДАГИ ВА СОҲАЛАРАБО КООПЕРАЦИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАЗКУР ЯРМАРКАДА КОМПАНИЯ ТАСАРУФИДАГИ КОРХОНАЛАР ИШТИРОК ЭТМОҚДА.


Ярмаркалар

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИ ИМКОНИАТЛАРИ

Ярмаркада ўз маҳсулотларини намойиш этаётган «4-монтаж бошқармаси» ОАЖда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, яъни короблар, консоллар, кабель устунлари, лотоклар, бирлаштирувчи муфтлар, электр печлари ва бошқа товарлар ишлаб чиқарилиб, улар қурилиш-монтаж ишларини «кулф-калитгача» усулида амалга оширади. «Ўзбекэнерготамбир» ОАЖда эса электр станцияларига таъмирлаш хизматлари кўрсатилади, шунингдек, қозон агрегатларининг қизиш юзгалари элементлари, иссиқлик электр станциялари қозон агрегатлари регенератив ҳаво иситкичлари иссиқ қатлами зичлашмаларининг пакетлари сингари импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотлар тайёрланади.

Шунингдек, ярмаркада кабель арматурасини намойиш этувчи Германиянинг «Рейхем» компанияси расмий дистрибутери саналган ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида кабель арматурасини тайёрлаш масаласини ишлаб чиқарган ва бошқа хизматлари билан фаолият кўрсатаётган «ИнтерОРГЭС» кўшма корхонаси, «ОРГЭС» ОАЖ, «Энерготамбир» ИТК ОАЖ ҳамда компания раҳбарлиги остида «Электроизолит» кўшма корхонаси ОАЖ, «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси ўз маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

Корхонамизда ишлаб чиқаришни йил сайин ривожлантириб, янги рақобатбардор электр маҳсулотлари тайёрлашга, экспорт кўламини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. — дейди «Ўзэлектроаппарат-Электрощит» кўшма корхонаси очик акциядорлик жамияти бош директори Владимир Роюк. — Бугунги ўтказилаётган тармок ярмаркаси хусусида тўхталадиган бўлса, бу бир-биринининг фаолиятимиз билан яқиндан танишишда, ҳамжи-



ҳатликда соҳа ривожига муҳим ҳисса қўшишда, ишда ҳамкорлар топишда ва фойдали шартномалар тузишда катта аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир иштирокчи ярмаркада ўз изланишлари ва ютуқларини намойиш этади, режаларини ўртоқлашади.

Шу ўринда ярмарка иштирокчиларидан бўлган «Электрон ҳисоблагич» кўшма корхонаси ишнини алоҳида таъкидлаш, энергия тежамкорлигидаги хиссасини айтиш ҳам ўринли. Корхонада илгор технологиялар асосида электр энергиясининг замонавий электрон ҳисоблагичлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ҳозирда жамоа мутахассислари маҳсулотнинг бутловчи қисмларини маҳаллийлаштириш асосида тайёрлашни йўлга қўйишмоқда.

Уч кун давом этадиган мазкур ярмаркада компания корхоналари билан бир каторда бошқа идораларнинг 30 дан зиёд корхона ва ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ҳам иштирок этаётганлиги ўзаро ҳамкорликда, фойдали шартномалар имзолашда аҳамиятли бўлади. Ярмарка кунларида компаниянинг конференция залида 10 дан ортик корхоналарнинг тақдирларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, тадбирда учрашувлар, икки томонлама музокаралар ўтказиш учун имкониятлар яратилган бўлиб, уларда энергетика тизимининг эҳтиёжлари учун мамлакатимизда ишлаб чиқаришга усулларини ҳамда моддий-техник ресурсларни етказиб бериш борасида шартномалар тузилади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар
Наталья Семёнова олган суратлар

млар кўрик-танлов пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

- **КЕЧА** шаҳримизда фаолият кўрсатаётган Татар миллий маданият маркази ташаббуси билан татар халқининг тарихи, маданияти, турмуш тарзини ёшларга таништириш мақсадида уюштирилган тадбирда миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этишди.
- **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Гулом номидаги маданият уйида уюштирилган тадбирда ёшларни ҳунарга жалб қилишнинг моҳияти ҳақида сўз борди.
- **ЁШЛАР** ийлига тухфа сифатида Тошкент Ахборот технологиялари

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — ХАВҲСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИДИ

ТОШКЕНТДА 29-30 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВҲСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН «АФГОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК: УНГА ЭРИШИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР МИНТАКАВИЙ СИЁСАТ ЖАМҒАРМАСИ ВА СИЁСЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ (ЎЗБЕКИСТОН) ТОМОНИДАН ЕХЎТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЛОЙИХАЛАРИ МУВОФИҚЛАШТИРУВИЧИ, АҚШНИНГ ХАЛҚАРО РИВОЖЛАНИШ АГЕНТЛИГИ ВА ЯНГИ ДЕМОКРАТИЯЛАР ИНСТИТУТИ (АҚШ) БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. КОНФЕРЕНЦИЯ ИШИДА ОСИЁ, АМЕРИКА ВА ЕВРОПАНИНГ 20 МАМЛАКАТИДАН ХАВҲСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ҚИРҚДАН ЗИЁД СИЁСАТШУНУВЧИ ВА ЭКСПЕРТЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Форум қатнашчилари минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш масалаларини чуқур ва ҳар томонлама муҳокама қилиб, қуйидаги қатъий хулосага келдилар: аҳолиси қариб 30 йилдан бунён тинч ҳаёт нималигини билмай келаётган Афғонистондаги вазият бугун Марказий Осий минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланишга, шунингдек, глобал хавфсизликка салбий таъсир кўрсатаётган асосий омил бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, экспертлар афғон муаммосини ҳал қилишнинг ҳарбий усуллари ўз имкониятларини батамом тугатди, деган яна бир муҳим хулосани баён этдилар. Афғонистон масаласини ҳарбий йўл билан ҳал этишга ортикача уриниш самарасиз бўлиб, ушбу мамлакатдаги қарама-қаршиликни янада кучайтиришга олиб келиши мумкин. Қолаверса, бундай моҳароли вазият қўшни мамлакатларга ҳам ёйилиши эҳтимолдан холи эмас.

Афғон муаммосини бартаф қилишнинг ягона йўли — Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликка эришишга доир муаммолар ечимининг тинч ва мақбул усулларини излашдан иборатдир.

Айни шу сабабдан конференция иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 3 апрель кун Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш борасида илгари сурган тақлифларини кенг қўллаб-қувватладилар.

«Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Бухарестда илгари сурган ташаббуслари минтақада хавфсизлик муаммоларини ечиш ишига жажоншумул аҳамиятга молик хисса бўлиб қўшилди. — деди Стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази президенти, профессор В.Наумкин (Россия). — Моҳиятан, Ўзбекистон раҳбари томонидан очик ҳамкорликнинг Марказий Осийда хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган янги модели тақвиф этилди».

Кавказ тадқиқотлари маркази эксперти Парамжит Сахай (Хиндустон) Ўзбекистон раҳбари Афғонистон муаммоларини тинч йўл билан ҳал этишнинг аниқ, чуқур ўйланган йўллари ни тақвиф этганини қайд қилиб, қуйидагича фикр билдирди: «Дарҳақиқат, афғон моҳаросига барҳам беришда фақат куч ишлатишга таянган йўл ўзини оқламади ва бу борадаги барча имкониятлар ишга солиб бўлинди. Афғонистондаги вазиятни фақат кенг қўламли ҳамкорлик, сиёсий ҳамжиҳатликка эришиш билан ҳал этиш мумкин. Ҳозирги кунда кўпчилик айнан шундай фикрда. Аввало, таълим, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий соҳаларга, Афғонистон иқтисодиётини тиклашга доир лойиҳаларга эътибор бериш керак. Шу нуктага назардан Президент Ислам Каримовнинг Бухарестда илгари сурган ташаббуслари фавқуллода муҳим аҳамиятга эга».

(Давоми 2-бетда).

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДАВР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ «БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДИР» МАЪРУЗАСИДА МАТБУОТНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШГА ДОИР ҚАТОР МУҲИМ ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.

Пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга оширишга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатига бу борадаги вазибалар қай тарзда баҳарилаётгани атрофлича таҳлил этилди.

Тадбирни Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ташкил этди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу-

татлари, Сенати аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, юртимиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, сиёсий партиялар вакиллари, олий ўқув юртлирининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Мўминов, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳақимов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулломов ва бошқалар Президентимиз

Ислам Каримов раҳнамолигида демократик янгилашлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқаролар эркинликларини таъминлаш жараёнида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, соҳага демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, ахборот маконида соғлом рақобат муҳити таъминлашнинг шакллантириш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ташкил этилгани, юртимизда давлат ва жамоат босма, электрон нашрлар ва бошқа турдаги ахборот воситаларининг ахил тизими шакллантирилгани, уларнинг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мустахкамлаш, журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малякасини ошириш йўналишида катта ҳаж-

мдаги ишлар амалга оширилаётгани бунинг далилидир.

Таъкидланганидек, бугунги ахборот оқими тобора кучайган ва тезлашган, геосиёсий жараёнлар авж олаётган давр оммавий ахборот воситалари ходимларидан тезкорлик, холислик, ҳаққонийлик билан бирга ҳушёрлик, огоҳлик, теран тафаккур, замон билан ҳамнафасликни, Ватанимиз миллий манфаатларининг том маънодаги ҳимоясига бўлиши талаб этади.

Давра суҳбатига матбуот, телевидение, радионинг мустақиллиги ва иқтисодий эркинлигини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар, ахборотлашган жамиятда интернетнинг ўрни, юртимизда интернет — журналистикани ривожлантириш масалалари атрофлича таҳлил этилди. Оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш, миллий матбуотимиз фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишни янада жадаллаштириш, журналистларнинг касб маҳоратини муттасил юксалтириб боришга оид маърузалар тингланди. Тегишли тақвиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Ўзэксепомарказ»да очилган Биринчи Республика инновация голяри ва лойиҳалар ярмаркасида сўнги йилларда Ўзбекистон илмий муассасалари ва олий ўқув юртлирида яратилган ҳамда мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга 600 дан ортик истикболли илмий ишланмалар, технология ва технологик услублар намойиш этилмоқда.

● Ҳоразм вилояти фаоллари йиғилишида жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

● Хива шаҳрида «Аёллар ва ёшлар» гивандлик, жиноятчилик ҳамда терроризмга қарши шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди. Бир нечта ташкилотлар ҳамкорлигида Ёшлар йилига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда воҳа ёшлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Фарғона шаҳридаги маданият ва спорт мажмуасида «Ёшлар—бугун ва эртанги кундаги хал қилувчи куч» шиори остида ёшлар форуми ўтказилди.

● Қашқадарё вилоятида «Ўзбекино» миллий агентлиги ташаббуси билан ёшлар онгига миллий истиклол гоясини таъсирчан усулларда сингдириш мақсадида ўзбек миллий кино санъати кунлари ўтказилди. Киноижодкорлар гуруҳларга бўлини вилоятнинг Қосон, Муборак, Шаҳрисабз, Китоб, Гузор ва Деҳқонobod туманларидаги мухлислари билан қизиқарли учрашувлар ўтказилди.

● Тошкентда «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банкнинг янги «Сергели» филиали иш бошлади. Шу тариқа ушбу молия муассаси филиалларининг сони еттигача етди.

● Янгийўл туманида компьютерлаштирилган замонавий иссиқхона мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Туркия тараққийёт ва ҳамкорлик агентлиги ўртасидаги лойиҳа асосида бунёд этилган ушбу замонавий иссиқхона беш минг квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, йилига 150 минг тонна помидор етиштириш қувватига эга.

● Қарши шаҳрининг «Табассум» маҳалласида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан савдо қиладиган янги дўкон ишга тушди. «Зарафшон ЭКО» хусусий корхонаси томонидан барпо этилган савдо шохобчасидан арзон ва сифатли ноз-неъматларни сотиб олиш мумкин.

● Навоий қон-металлургия комбинатининг ёрдамчи ҳўжалиги — Работи Маликдаги «Дўстлик» агрофирмасида ихчамгина сут заводи фойдаланишга топширилди. Унда йилига 800 тонна сутни қайта ишлаб, бежирим қадокланган қатик-қаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Россия технологияси асосида фаолият юритаётган мазкур корхонада 20 нафар йигит-қиз янги иш ўринларига эга бўлдилар.

ЖАҲОНДА

● БМТ Тожикистоннинг 18 та туманига катта зарар етказган чигирткалар хуружига қарши курашиш учун 500 минг АҚШ долларига яқин маблағ ажратди.

● Россия ҳамда Босния ва Герцеговина фуқароларининг ҳар иккала мамлакатда визасиз ҳаракатланиши тўғрисида имзоланган битим кечадан бошлаб кучга кирди.

● Европа омбуздсманни Никифорос Диамандурос Европа Иттифоқи институтларини аъзо давлатларга тааллуқли махфий бўлмаган ҳужжатларни оммадан яширмасликка қажирди. Зеро, тушаётган шикоятлар Европа Иттифоқи институтларининг очик фаолият олиб бориши кераклигини тақозо қиладди.

● Буюк Британия қироллиги тахти вориси шаҳзода Уильям яширин равишда Афғонистонга ҳарбий сифатида ташриф буюрган. Маълумотларга кўра, шаҳзода Британиядан Қандадорга ҳарбий самолётни бошқариб борган. У Афғонистон ҳаво ҳудудларида 3 соат мобайнида парвоз қилган ва шундан сўнж Қатар томон йўл олган. Шаҳзоданин бун яширин парвози мамлакат ОАВларида танқид остига олинган.

● Екатеринбург атрофидан ўтган йили топилган икки жасаднинг россиялик ва хорижлик экспертлар томонидан чуқур ўрганиб чиқилиши асосида уларнинг шоҳ Николай II нинг фарзандлари шаҳзода Алексей ҳамда маляка Мария эканлиги маълум бўлди.

● Нижний Новгородда хор жамоаларининг 9-Халқаро фестивали ўтказилди.

● Эрон нефть учун АҚШ долларларида ҳисоб-китоб қилишдан бутунлай воз кечди.

● Германиянинг «Чорен индустри» компанияси қишлоқ ҳўжалиги чиқиндилари—ўсимликлар пояси ва похолдан автомобиль учун табиий ёқилги ишлаб чиқара бошлади. Янги усул анча арзон тушяпти. Ҳозирда мазкур компания йилига 15 минг тонна табиий ёқилги ишлаб чиқариш имкониятига эга.

● Машҳур француз императори Наполеон Бонапарт фойдаланган стол «Кристис» ким ошди савдоси марказида 90,5 минг фунт стерлинг (салкам 192 минг доллар)га сотилди. Мебелнинг бошланғич баҳоси 3 минг фунт этиб белгиланган эди. Гап шундаки, Наполеоннинг столи устига ҳушбўй гиёҳлар аралаштирилган шам қўйилганлиги ва мебелда шам қолдиклари ҳозирга қадар сақланиб қолган. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу қолдиклар Наполеондан қолган из сифатида стол баҳосининг бу қадар кўтарилиб кетишига сабаб бўлган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистоннинг ташаббуслари гоят муҳимдир. Ўз вақтида илгари сурилган бу ташаббуслар Афғонистоннинг барқарорлаштиришнинг самарали йўллари топишга кўмаклашади», — деди Минтакавий тадқиқотлар институти президенти генерал Жамшид Абз Хон (Покистон). «Мен ҳарбий киши сифатида айтишни мумкин, — деб таъкидлади у, — эндиликда Афғонистонда ҳарбий куч билан тинчлик ўрнатилиши барча имкониятлари батамом тугади. Айни вақтда Афғонистондаги барқарорлик кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга олиб келади, Марказий Осиёни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлади. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё мамлакатларини бизнинг бандаргоҳлар билан туташтирадиган энергетика ва транспорт коммуникациялари, нефть ва газ қувурлари бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун имкониятлар, экспорт-импорт операциялари сонини кўпайтиришга олиб келади».

Конференцияда сўзга чиққан Афғонистон вакили — Мохаррола ва тинчликни ўрнатилиш бўйича маркази эксперт Нажиб ур-Раҳмон Маналай ўз юртида ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш учун Афғонистон халқига ижтимоий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш керак. Одамларда бунёдкорлик туйғуси пайдо бўлса, улар меҳнатга киришади, даромад орттиради, уларда ўз юртининг равнақи, оқсоқиллиги ва фаровонлиги учун маъсулият ҳисси пайдо бўлади. Ўзбекистоннинг ташаббуслари Афғонистон инкизарига айнан мана шундай ёчим топишга қаратилган.

Ўзбекистон раҳбарининг 2001 йилгача фаолият кўрсатган «6+2» гуруҳини Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга эришиш бўйича «6+3» мулоқот гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифи конференция катнашчилари — экспертлар томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, Афғонистонга қўшни олти мамлакат — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шуниқдек, Россия, АҚШ ва НАТОдан таркиб топадиган Мулоқот гуруҳи афғон муаммосини бартафат этиш йўллари топиш бўйича умумий принцип ва ёндашувлари муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш, Афғонистонда тинчлик ва тотувликка эришиш бўйича умумий аниқлаш ва манфаатдорликни ишлаб чиқиш учун энг муҳим механизмга, яъни музокара майдонига айланиши мумкин. БМТ шафеълигида ушбу нуфузли ташкилотнинг маслаҳат органи сифатида ишлайдиган «6+3» мулоқот гуруҳи жаҳон ҳамжамияти ва тинчликпарвар миссиянинг Афғонистонни тиклаш ва иқтисодиётини оёққа турғизиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга, қарама-қарши ва низолашаётган томонлар ўртасида афғон муаммо-

сининг ўзаро мақбул ечимларини топиш учун музокара жараёни ташкил этилишига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлур эди. Афғонистонга турли халқаро дастурлар, аввало, БМТ дастурлари доирасида кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ушбу гуруҳнинг энг муҳим вазифаси бўлиши мумкин.

«Бу янги гоя амалда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ишига кенг қўлмалли халқаро ҳамкорликни фаол жалб этиш имконини беради», деб қайд этди Лондон университетининг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби профессори Ширин Акинер (Буюк Британия).

Шаркий Кентукки университети ҳузуридаги Адлия ва ҳуқуқ-тартиб маркази директорининг ўринбосари Синтия Коллинз Шейн (АҚШ) ҳам музокара жараёнининг «6+3» мулоқот гуруҳи доирасида тикланиши афғон муаммосига ёчим топиш борасида ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш учун янги гоялар ўртага ташланишида, ўзаро мувофиқлаштирилган қарорлар қабул қили-

чегараси муаммосини бутунлай ва узил-кесил ҳал қилиш зарур. Шу билан бирга у «маҳаллий аъёналарни ҳам албатта инобатга олиш зарур-лигини таъкидлади».

Экспертлар, Ўзбекистон Президентининг нутқида таъкидланганидек, кўп миллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ислом динига нисбатан мулақо асосси хужу ва бўҳтонларга йўл қўймаслик зарурлиги Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришнинг, бу жафокаш заминда тинчликни таъминлашнинг хал қилувчи шарти эканини қайд этдилар.

Афғонистонлик экспертлар таъкидланганидек, «Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон халқининг аъёналари, урф-одатлари ва динини ҳурмат қилиш зарурлиги ҳақидаги даъвати афғон халқининг маънавий юксалишига қаратилган. Шу чоқча ҳеч қим бу масалага эътибор бермаган эди. Ҳолбуки, афғон халқи ўзининг бой тарихга, жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга».

Муваққат эксперт Фрэнсис Тибор Миконинг (АҚШ) фикрича, «минтақада этник муаммолар ҳамда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига таъсир этадиган муаммолар билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар бор. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси шу маънода ҳам ҳамкорликни янада жадал ривожлантиришда, демакки, мавжуд масалаларни янада самарали ечишда, Афғонистонда барқарорликни таъминлашда ўзига хос робита бўлиб хизмат қилади».

Халқаро тадқиқотлар институти эксперти Кристофер Роланд Ленгтон (Буюк Британия) шуни алоҳида таъкидладики, «Ислом Каримовнинг таклифлари гоят аҳамиятли ва Афғонистондаги реал вазиятга асосланган. Масалан, мен ҳам Афғонистонда бошқарув вертикалини муваққатлашга туриб, амалда ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайман. Халқ ишонадиган ҳокимиятни тўзиш керак, лекин уни шакллантиришда маҳаллий ўзига хошликни, албатта инобатга олиш лозим».

Конференцияни аяқлар экан, унинг иштирокчилари ушбу форум ҳар бир катнашчига ўз нуктаи назарини баён этиш имкониятини яратганини, НАТО/СЕАПнинг Бухарест саммитида илгари сурилган Ўзбекистон ташаббусларининг экспертлар томонидан теран ўрганилишининг муқаддимаси бўлганини, мазкур таклифларнинг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга, бутун Марказий Осиё минтақасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

(ЎЗА)

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ

нишида муҳим омили бўлади, деб ҳисоблайди.

Конференция катнашчилари Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш борасидаги Ўзбекистон таклифларининг кескин ва долзарб ижтимоий, иқтисодий муаммоларга, аҳолининг бандлиги ҳамда бошқарув вертикали ва ҳокимият нуфузини муваққатлаш муаммоларига устувор аҳамият бериш зарурлиги ва муҳимлиги хусусидаги қисми муҳокамасига алоҳида эътибор қаратдилар. Шанхай халқаро муносабатлар институтининг Россия ва Марказий Осиё бўлими директорининг ўринбосари Нинь Цян қуйидагиларни таъкидлади: «Президент Ислом Каримовнинг Бухарестдаги нутқи менга яна шуниси билан мақбул ва тушунарли бўлдики, унда умуман минтақавий хавфсизлик ва жумладан, Афғонистондаги хавфсизликни таъминлашда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бош масала сифатида қайд этилди. Бу мулақо мантиқий ва асосланган ҳақоний фикрdir».

Шаркий Европа ва МДҲ мамлакатлари институти директори Александр Цинкернинг (Исроил) фикрича, «Ўзбекистон раҳбарининг барча таклифлари ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам, уларни ҳаётга таътиб этиш имкониятлари бўйича ҳам пухта ўйланган ва аниқ таклифлардир. Ҳақиқатан ҳам, биринчи галда ижтимоий-иқтисодий соҳани тиклаш, мактаблар, шифохоналар қуриш, аҳолини иш билан таъминлаш зарур. Ҳозир наркотик билан савдо қилувчилар ва террористлар ҳеч қандай тўсиқсиз кесиб ўтаётган Афғонистон

42-Халқаро Менделеев олимпиадаси БИЗ - БИРГАМИЗ, БИЗ - ДЎСТМИЗ

КАМОЛОТЧИЛАРНИНГ ЯНГИ-ЯНГИ ДЎСТЛАРИНИ ОРТИРИШ БОБИДАГИ БУНДАЙ ЧОРЛОВЛАРИ БЕСАМАР КЕТМАЭТИР. 42-ХАЛҚАРО МЕНДЕЛЕЕВ ОЛИМПИАДАСИГА ҚАТНАШАЁТГАН 15 ТА МАМЛАКАТНИНГ ЮЗДАН ЗИЁД ЁШЛАРИ ШУНДАЙ КЎТАРКНИЛИК ИЛА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИШМОҚДА.

Сергей ЧЕРНЫШЕВ (Россия): — Ҳар қандай олимпиаданинг мақсади — у ёки бу фан йўналишида энг иқтидорли ёшларни аниқлашдир. Хусусан, Менделеев олимпиадасида ҳам ўз имкониятларини синодан ўтказган ҳар бир йигит-кейинчалик, албатта, юқори малакали мутахассис бўлади деб ҳисоблайман. Олимпиада — ақл-идрок бобида муСОБАКА бўлсада, аммо шу билан бирга бу янги-янги танишувлар, янги-янги дўстлар ортириш демакдир. Биз кўп шаҳарларда, кўп жойларда бўлиб, маънавий озиқ ҳам оламиз. Ўзбекистон ёшлари — камолотчилар билан учрашувлар асосида мен ўзига хос ёшлар дунёсини кашф этдим. Аслида биз, ёшларнинг дунёси айнан «Камолот» каби шундай фаол, шиддатли, қизгин, интилувчанликка йўрилган бўлмоғи керак. Очигини айтганда, бугунги кунда мана шундай йирик ёшлар бирлашмаси борлигини ҳатто тасаввур ҳам қўлданга қолди. Кўплай дўстлар ортирдим, демак, янги фикр, кўп янгиликлардан бохабар бўлдим.

Айрат ТАШИБЕВ (Қозғистон): — Олимпиадада илк марта қатнашяпман. Тошкентга ҳам биринчи келишим. Гузал шаҳар. Узғача фойз-таровати ҳар қимчи мафтун этади, назаримда. Атрофини кўклам ифори чулғаб олган. Ҳар чоғда, ҳар дамда меҳмондўстлик муносабати бизга ҳамроҳ бўлаётир. Кўп жойларда бўлди. Ҳастимом мажмуаси ўзим ёқимда қолади. Ноб, антика мейморий обида. Шубҳасиз, ҳар бир инсон, миллати, эътиқодидан қатъи назар, бундай қадимжоларни зиёрат қилар экан, ўзини хотиржам, бардам сезади...

Дарҳақиқат, олимпиада — бу билимдонлар беллашуви, олдинда эса оғир синовлар ҳали кўп. Албатта, кишини ҳаяжон босади. Аммо бундай ҳолатни енигишга ҳаракат қилаяпман. Бундай дамларда атрофинда дўстларинг бўлиши, ҳамжихатлик муҳити бир муддатта бўлса ҳам қийинчиликларни унуттишга яхши қувват, мададдир. Камолотчи дўстларим менга шундай хуш кайфият улашишди.

Иқтидорли ўсимир йигитлар махсус лицейи ўқувчисиман. Москва давлат университетидаги кириш ниятим бор. Тошкентда шундай нуфузли ўқув юрти филиалининг борлиги Ўзбекистон ёшлари ҳамда яқин чегарадош давлат вакиллари учун қулай имконият. Тошкентда ҳали кўп марта учрашамиз деган ниятдаман. Дўстларимга омад тилаб қоламан.

Умиджон ҚОДИРОВ (Тожикистон): — Галдаги олимпиада манзили сифатида Тошкент шаҳри танлангани мен учун бениҳоя гурурли десам, айна ҳақиқатдир. Биз — ёшларни мана шундай самимият билан қаршилаб олган ўзбек халқига таъзим қиламан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан юртимизда, айниқса ёшларга катта эътибор қаратилаётгани, уларнинг камоли учун барча имкониятлар мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Бинобарин, мамлакат келажаги, жамият равнақи ёшларга боғлиқдир.

Тожикистонга қайтган, ҳаммага, дўстларимга, тенгқурларимга меҳмоннавоз дўстларимиздаги унутилмас дақиқалар, илик, дўстона учрашувлар ҳақида сўзлаб бераман. Биласизми, менда бир фикр тугилди. Ўзимизда ҳам «Камолот» сингари тузилма ташкил этилишига бор кучимни сарфлашга тайёрман. Тожикистонда «Жавонон» ёшлар ташкилоти бор, аммо унинг йўналиши ўзгача, бундай фаоллик ҳам йўқ.

Мен ўз ҳиссиётларим, таассуротларимни хозирданок ўртоқлашиш истагидаман. Бизни Ўзбекистоннинг мана шундай катта жамоаси — барча ёшлари қўллаб-қувватлашдан хайратдаман.

Ўзбекистон ҳақида, бу азиям юртингизда амалга оширилаётган ислохотлар хусусида кўп эшитганман. Бежиз кўп бор эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, дейилмас экан. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон нечоғлиқ ривожланган, нақадар гузал мамлакат эканлигини ўз кўзим билан кўриб, ҳис этаяман.

Кимё фанига илоҳисини билади. Исфара шаҳридаги махсус лицейда тахсил оламан. Москва ва Минскда ўтказилган Менделеев олимпиадаларида қатнашгандим, аммо ютуқларга эриша олганим йўқ. Тошкентда умидим катта. Жамоамиз беш кишидан иборат, шу жумладан икки нафар синфдошим ҳам бор.

Баркирентлик, бирдамлик ҳалқларни учун барчангизга тожикистонлик ёшлар номидан раҳмат деб қоламан.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА ёзиб олди.

Учрашувда Давлат солиқ қўмитаси, туман халқ таълими соҳаси вакиллари, ўқитувчилар, мактаб ўқувчилари, ота-оналар иштирок эттиди.

Тадбирни Яққасарой туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Шавкат Собиров очар экан, мамлакатимиз солиқ тизими борасида олиб борилаётган ислохотлар ва амалдаги тизим қонунчилигига киритилаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида батафсил маълумот берди. Шунингдек, у туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ташкил этилаётган тадбирлар, юридик ва жисмоний шакллардан олинадиган солиқ турлари, уларнинг давлат иқтисодиётидаги ўрни хусусида тўхталиб, ўсиб келаётган авлод оғидада солиқ маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда таълим муассасалари ва солиқ ходимлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Сўнг коллеж ўқувчиларининг солиқ турлари, солиқ элементлари ва солиқларни ҳисоблаш тўғрисидаги билим даражасини аниқлаш бўйича махсус тест ва викторина саволлари берилди. Ўқувчиларнинг билим даражаси мутахассис солиқчилар томонидан баҳоланди. Ўтказилган синов натижасида «Коллеж»нинг энг яхши солиқ билимдон» номинацияси бўйича биринчи ўринни 1-06-гуруҳ талабаси Гулчера Расуллова, 12-06-гуруҳ ўқувчилари Баҳром Ризаев ва «Энг яхши солиқ ҳисобчиси» номинацияси бўйича Наргиза Хошимова эгаллашди. Давлат солиқ қўмитаси

Учрашув асосида солиқ ходимлари бўлажак мутахассисларнинг жисмоний ва юридик шахсларни солиққа тортиш

Унда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, методистлар, етакчи психолог ва педагоглар иштирок этди.

Тадбирда янги мультимедиа таълим дастурининг қўлланилиши, бошқариш усуллари, унинг

муължалланган дастур ёрдамида болажонлар қизил, сариқ, оқ, жигарранг, кўк, яшил каби ранглари осон ажрата бошлайди, — деди лойиҳа муаллифи Одилжон Қурбонов. — Бундан ташқари, учбурчак, тўртбурчак, доира каби содда шаклларни, нараса-буюмларни маълум бир белгиларига қараб таснифлашни ўрганади. Турли расмлар ва қисқа мультфильмлар кўмагида болажонлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан янада яқиндан танишиш имкониятини кўлга киради. Ўқув жараёнидаги рағбатлантириш ёрдамида эса уларнинг билим олишга қизиқишлари кучайтиради.

Муваққатликнинг таъкид-

Ўқув масканларида ИСЛОҲОТЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШДИ

ТОШКЕНТ ТИЖОРAT ВА ТАДБИРКОРЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ЯҚҚАСАРОЙ ТУМАНИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ХОДИМЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

амалиёти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига белгиланган солиқ имтиёзларига оид қўллаб-саволларига атрофлича жавоб қайтаришди.

Сўнг коллеж ўқувчиларининг солиқ турлари, солиқ элементлари ва солиқларни ҳисоблаш тўғрисидаги билим даражасини аниқлаш бўйича махсус тест ва викторина саволлари берилди. Ўқувчиларнинг билим даражаси мутахассис солиқчилар томонидан баҳоланди. Ўтказилган синов натижасида «Коллеж»нинг энг яхши солиқ билимдон» номинацияси бўйича биринчи ўринни 1-06-гуруҳ талабаси Гулчера Расуллова, 12-06-гуруҳ ўқувчилари Баҳром Ризаев ва «Энг яхши солиқ ҳисобчиси» номинацияси бўйича Наргиза Хошимова эгаллашди. Давлат солиқ қўмитаси

Унда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, методистлар, етакчи психолог ва педагоглар иштирок этди.

Тадбирда янги мультимедиа таълим дастурининг қўлланилиши, бошқариш усуллари, унинг муължалланган дастур ёрдамида болажонлар қизил, сариқ, оқ, жигарранг, кўк, яшил каби ранглари осон ажрата бошлайди, — деди лойиҳа муаллифи Одилжон Қурбонов. — Бундан ташқари, учбурчак, тўртбурчак, доира каби содда шаклларни, нараса-буюмларни маълум бир белгиларига қараб таснифлашни ўрганади. Турли расмлар ва қисқа мультфильмлар кўмагида болажонлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан янада яқиндан танишиш имкониятини кўлга киради. Ўқув жараёнидаги рағбатлантириш ёрдамида эса уларнинг билим олишга қизиқишлари кучайтиради.

Муваққатликнинг таъкид-

лашчи, дастур мамлакатимизда мактабгача ёшдаги болаларга муължалланган дастлабки таълим дастури бўлиб, таълим беришнинг мазкур ёшдаги болалар учун педагогик, услубий ва психологик талабларига тўла мос келади.

—3-5 ёшли болалар учун

«O'zbekim Dasturlari» электрон нашрлар тахририяти директори Ф.Валиевнинг таъкидлашича, айна пайтда тахририятимиз томонидан ушбу туркумда бир қатор янги дастурлар тайёрланмоқда. Улар болаларда мантиқий тафаккурни шакллантириш, санок ва математик амалларни

теш ва осон бажариш кўникмаларини ҳосил қилиш, инглиз, рус алифбосларини ўргатишни ўз ичига олади.

Тақдимотда Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети томонидан дастурга берилган тахрирлар ўқиб эшитирилди. Дарҳақиқат, бу каби лойиҳалар фарзандларимизнинг ахборот технологиялари жадаллик билан ривожланиб бораётган тараққиёт асри билан ҳамнафас бўлишларида, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Иқтисодиёт

ЭХТИЁТ ҚИСМ ВА ДЕТАЛЛАР ТУРЛАРИ ОРТМОҚДА

«TOSHKENT YOLOVCHI VAGONLARNI TAMIRLASH ZAVODI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ МАМЛАКАТИМИЗДА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИДАГИ ЕТАКЧИ КОРХОНАЛARDAN SANALADI.

2002 йилда ташкил этилган ушбу корхона йўловчи вагонларни таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашга иختисослашган республика миқдосида ягона жамоа ҳисобланиб, 2006 йил сентябрдан қорхонада ИСО 9001 халқаро стандарти бўйича сифат бошқаруви тизими татбиқ этилган ва иш ўрнатишмоқда.

Корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрларнинг маҳоратлари самара бериб, заводда йилга 450 тагача йўловчи вагонларни таъмирланмоқда. Бу, албатта ички бозор талабига тўла жавоб беради.

Ички бозорда ўз ўрнига эга бўлган ва бюртмаларни тез ва соз бажарётган корхона тадбиркорлари ташқи иқтисодий алоқаларни муваққатлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхонада қўшни Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари давлатларнинг бюртмалари ҳам муваффақият билан удаланмоқда.

Ишлаб чиқаришни йил сайин кўпайтиришга эришаётган корхона мутахассислари йўловчи вагонларни таъмирлашда керакли бўлган, шу жумладан импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ва деталлар йўловчи тайёрлашни йўлга қўйишаётгани таъмирлаш ишлари таннархини арзонлаштирмоқда. Валюта захираларини тежаш мақсадида бугунги кунгача йўловчи вагонлари учун зарур бўлган 150 номдаги буюмлар маҳаллийлаштирилди. Шулардан 120 та номдаги эҳтиёт қисм ва деталлар корхонанинг ўзидая тайёрланмоқда. Албатта, изланишдан чарчамётган тадбиркор жамоа ахли ушбу ракамни доимий оширишга интиляпти. Маҳаллийлаштириш йўловчи вагонларининг кўплай қисмларини қамраб олганлиги қувонarliдир. Шунингдек, резинотехника ва полимер деталлари тури ҳам ортиб бормоқда.

ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧИЛМОҚДА

БОЗОРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА СИФАТИ, ҲАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИНИ ЯҚҚОЛ КЎРСАТИБ ТУРИБИДИ.

1996 йилда хусусий корхона сифатида ташкил этилган ва 2004 йилдан бошлаб маъсулият чекланган жамиятига айлантирилган «НИГ» корхонаси бунга мисол бўла олади. Корхонада 100 та доимий ва 200 дан ортққ мавсумий иш ўринлари яратилган бўлиб, улар 3 сменада меҳнат қилишади.

— Юртимизда тадбиркорлар учун яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланган ҳолда ҳар йили янги йўналишлар очиб, махсулот тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга эришмоқдамиз, — дейди корхона директори Раҳматулла Саидов. — Қандолат махсулотлари тайёрлаш цехими Россиянинг замонавий дастгоҳлари асосида ишлайди ва бугунги кунда 14 турдаги ширинликларни тайёрлаб, аҳоли дастурхонига тортиқ этаёلمиз. Шунингдек, тикув цехимизда «Элита» усулидаги пардалар ва замонавий либослар тикши йўлга қўйилган. Яна шуни айтишим лозимки, бунёдкорлик қўлами тобора ортиб бораётган бир пайтда бу ишга муҳим ҳисса қўшишга ҳам бел боғлаганмиз. Қадимий обидаларни тиклаш учун гишт махсулотлари ишлаб чиқараётганимиз ҳамда бунёдкорлик бригадамиз аъзолари қурилиш-монтаж ишларини ҳам сифатли адо этишади.

Тадбиркорлар жорий йилда ўзлари тайёрлаётган пишган гишт махсулотини Афғонистон ва Тожикистонга экспорт қилишни режалашган. Шунингдек, Украина давлати билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда рақобатбардош қандолат махсулотлари ҳам тайёрланади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги йўналишлар очиш асосида 2008 йилда яна 100 та ишчи ўрни яратилади.

Шарофат БАҲРОМОВА

БОЗОР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

БОЗОР ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАР ЖАМОАЛАРИ ИЧКИ БОЗОРНИМИЗДА КЎПЛАБ ҲАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШМОҚДА, ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ТОВАРЛАР ҲАҚИДА БОСАДИГАНЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШМОҚДА.

Пойтахтимиздаги «EL-MOBIL» маъсулият чекланган жамияти жамоаси ҳам шундай корхоналардан ҳисобланади. Мазкур жамият 2002 йилдан фаолият юритиб келмоқда, ҳозирда унда 10 нафар малакали ишчи-хизматчилар унумли меҳнат қилиб, 70 дан ортққ турдаги авторезина ва маший мақсадларда қўлланиладиган сифатли рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқармоқда.

—Инсон бир ишга бел боғласа ва уни адо этиш йўлида астойдил ҳаракат қилса, шубҳасиз қўлаған мақсадида эришади,—дейди жамият бошқаруви раиси Эльдар Валитов. — Бу йўлда машаққатлардан чўчимаслик, сабр-қаноат, изланиш, ташаббус ҳамда интилиш зарур. Мақсадларни амалга оширишда давлатимиз томонидан етарли шарт-шароит, ҳуқуқий ҳимоя таъминланганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Корхонанинг махсулотлари Асакадаги автомобиль заводига юборилганда ҳамда Сергели автомобиль бозори ярмаркасида сотилади. Изланишлар самараси ўлароқ, яқинда Президент соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Чилонзор туман босқичида Эльдар Валитов 3-ўрин соҳиби бўлган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТИКЛАШ, ЭЗГУ АЪНАЛАРИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, АСРЛАР ДАВОМИДА АҲДОДЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ЭЪЗОЛАБ КЕЛИНГАН ВА МАДАНИЯТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНГАН ҲУНАРМАНДЧИЛИК ҲАМДА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА УЛКАН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЭТИР. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 1997 ЙИЛ 31 МАРТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ХАЛҚ БАДИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКЛАРИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИ БУ БОРАДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛМОҚДА.

Мазкур фармонга мувофиқ "Ҳунарманд" уюшмаси ташкил этилди. Уюшма халқ амалий-бадий санъати аъналарини асосида фаолият кўрсатаётган мусаввирлар, ҳалқ усталари ва ҳунармандларни ўз атрофида бирлаштирди.

Маълумки, авваллари ҳунарманд-усталар хонадон шароитида, кўпинча, ширин ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарар, турли таъқибларга дучор бўлар эди. Уларнинг эркин фаолият юритиши, салоҳиятини намойиш этиши учун шароит йўқ эди. Мустақиллик ва Ўртабшимоқнинг гамжўрлиги шарофати билан ҳунармандларнинг ҳам елкасига офтоб тегишди. Улар энди эмин-эркин маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш имкониятига эга бўлди.

Усталар ҳар йили Республика Президенти соврини учун ўтказиладиган "Ташаббус" кўрик-танловига фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазмаларда ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда. Ўзбекистонлик усталар маҳорати, улар томонидан яратилган асарларга хорижий мухлис ва мутахассислар юқори баҳо бераётган. Бир қатор вақиларимиз ЮНЕСКОнинг махсус сертификатига сазовор бўлгани бунинг далилидир.

Усталаримизнинг тинимсиз изланишлари самарасида юртимизда Шарқ миниматюрисининг қоғоз, мато, чарм, тери, шойи ҳамда

рида фаол қатнашмоқдалар. Мустақиллик йилларида юртимизнинг турли ҳудудларида қад ростлаган бино ва иншоотлар, маданий-маърифий муассасалар дейсизми, тарихий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш, муқаддас қадамжоларни обод этиш дейсизми, ҳамма-ҳаммасида ҳунарманд усталаримизнинг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноти сингари улуг аждодларимизнинг ёдгорлик мажмуалари, пойтахтимиздаги Ҳаз-

бор ва гамжўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Ушбу унвон халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган халқ усталари уларнинг миллий маданиятини янада ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни тайёрлашга қўшган ҳиссалари учун берилди.

Андижон вилоятининг Изобоскан тумани Қўғай қишлоғида яшовчи ёғоч ўймақори Йўлбарс Ўтаганов шундай шарафга мушарраф бўлган усталаримиздан биридир. Уста отаболар касбини ардоқлаб, ўзининг халол меҳнати, шарафли касби туфайли эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонди. 1999 йили Президентимиз Фармонига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" унвонига сазовор бўлди.

— Бу юксак эътироф кучига куч, байрақимизга байрақ қўшиш, — дейди уста. — Истиклол шарофати билан уста ва ҳунармандлар учун Ватанимизнинг фахрий унвони таъсис этилгани кўнгилмизни тоғдек кўтарди. Бу Ўртабшимоқнинг, халқимизнинг биз, ҳунармандларга бўлган юксак эътибори ва эътироми ифодасидир. Шундай экан, бундай эъзоз ва ишончга жавобан ҳунармандчилигимиз янада ривожлантиришда, бу соҳадаги аъналаримизни муносиб давом эттирадиган ёшларни тарбиялашда бор кучимни аямаяман.

Халқ ва Ватан манфаати йўлида хизмат қилаётган фуқароларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани юртимизда амалга ошириладиган ислохотлар замирида, аввало, инсон омили муҳим аҳамиятига яна бир бор тасдиқланди. «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони нафақат соҳа вақиларига эътибор ифодаси, балки миллий қадрият ва аъналаримизга юксак эътиром рамзи ҳамдир.

Олим Тўрақулов,
ЎЗА шарҳловчиси

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ЮКСАК ЭЪТИРОМ ИФОДАСИ

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ" ФАХРИЙ УНВОНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАНИГА 10 ЙИЛ БЎЛДИ

ёғоч буюмлар, ҳунармандчиликнинг қулочликлари, ёғоч ўймақорлиги, ганч ўймақорлиги, мисгарлик, миллий каштачилик, қандкорлик, заргарлик, тоштарошлик, сандикчилик, бешчилик, тўқима, чинни буюмлар ишлаш, ип ва шойи матолар тўқиш, лок миниатюриси сингари турлари янада тарқайиб кетмоқда.

Халқ усталари томонидан Наманган вилоятидаги Фурумсарой қулоччилик мактаби, ипак тўқиш, матоларга табиий бўёқ бериш, Самарқанд қоғози ва қандолатчилик мактаби, Сурхондарёнинг қадим каштачилик аъналарини, қулоччилик мактаби, Андижон вилоятида дуплини оқлар услубида тикиш, Бобурлар давридаги мусиқа асбоблари, Шахристон пичоқчилик, Тошкент қулоччилик мактаблари сингари халқ амалий санъати ва бадий ҳунармандчиликнинг йўқолиб кетган турлари қайта тикланди.

Усталаримиз мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг миқёсли бунёдкорлик иш-

рати имом мажмуи сингари бетакор обидаларни барпо этишда қўли гул уста ва ҳунармандларнинг тенгсиз маҳорати яққол намойиш бўлди.

Ҳунармандларнинг миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш, аъналаримизни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ҳамда уларни аждодларимиз меросига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги сав-й-ҳаракатлари, юртимизда амалга ошириладиган кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари-га қўшаётган ҳиссалари муносиб баҳоланмоқда.

Қўлаб усталаримиз Ватанимизнинг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлган. Халқ устаси Абдуғани Абдуллаев эса Президентимиз фармони билан "Ўзбекистон Кахрамони" олий унвони билан таъдирланган.

1998 йилнинг 1 майида таъсис этилган "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" фахрий унвони ҳунармандларга бўлган юксак эъти-


Кизил Ярим Ой жамияти фаолиятидан БИЛИМДОНЛАР БЕЛНАШДИ

БУГУНГИ КУНДА ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Бу борада туманларда фаолият олиб бораётган Кизил Ярим Ой жамиятлари ҳам ёшларнинг тиббий са-водхонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзининг афзаллигини етказиш, ёрдамга муҳтож инсонларга беимнат кўмак кўрсатиш каби хайрли ишларга ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, куни кеча Ёшлар йили муносабати билан Кизил Ярим Ой жамияти Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг мазмун-моҳияти юқоридаги хайрли ниатга ҳамоҳанглиги билан эътиборга молиқдир.

Туман халқ таълими бўлими, ҳудудий тиббий бирлашмаси, йўл-патруль хизмати ва «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорлигида мактабларо ўтказилган ушбу мусобақада 9 та шарт бўйича ўқувчилар бор билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан мақсад ёшларнинг соғлом ўсиши, ўқув юртлири ўқувчиларини санитария-гигиена асослари ва биринчи тиббий ёрдам бериш, йўл ҳаракати қоидалари ва ҳуқуқий оғрларини ошириш бўйича билимларга ўргатишдир, — дейди биз билан суҳбатда Кизил Ярим Ой жамияти туман бўли-



ми раиси Ҳамроҳон Отабоева. — Шунингдек факулдада ҳолатларда ўқувчиларнинг ўзини тутати билиши ва ўзгаларга б и р и н ч и т и б б и й ёрдам бериш, Халқаро Кизил Хоч ва Кизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти ҳамда Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқлари ва билимларини тарғиб этишдан иборатдир. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси ёшлар ўртасида тобора кенг-қойил бўлиб, унда қатнашувчилар сон-ортиб бормоқда. Ўқувчиларнинг махсус дастур асосида ўқитиши улар билим савиясининг ортишига, инсонпарварлик фазилатларини сингдиришга хизмат қилмоқда.

— Фоятда қизиқарли ўтган мусобақада биринчи ўринни 235-мактаб жамоаси эгаллади. Иккинчи ўрин 43-мактаб, учинчи ўрин 247,260-мактаблар жамоаларига насиб этди. Шунин-

гдек, деворий газеталар кўрик-танловига эса 1-ўринга 259, иккинчи ўринга 235, учинчи ўринга 43-мактаб жамоалари лойиқ деб топилди. Бундан ташқари бегараз донорликни тарғиб қилиш мақсадида деворий газеталар танлови ҳам ташкил этилиб, унда биринчи ўринни 259, иккинчи ўринни 98, 86, учинчи ўринни 247, 150-мактаблар санпостчилари эгаллашди.

Мусобақа голиблари ва қатнашчиларига Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Мусобақа голиби бўлган 235-мактаб энди шаҳар босқичида иштирок этади.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг туман босқичидан лавҳа

Маънавият тарғибот марказларида

БАРКАМОЛ ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

МАЪНАВИЙ КАМОЛГА ЕТГАН ХАЛҚНИНГ ЭРТАСИ ПОРЛОҚДИР. ДАРҲАҚИҚАТ, МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚНИНГ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА МАЪРИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, АЙНИҚСА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЭТГАН ИШЛАР, ЎТКАЗИЛАЭТГАН ТУРЛИ ХИЛ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛМОҚДА.

Республикамиз Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Давлат тарих музейида «Ғозимиз—ҳимоямиз» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий ва маданий тадбир ҳам фикримиз далилидир. Республика Маънавият тарғибот маркази, Юнусобод туман Маънавият ва маърифат кенгаши, туман Мадааният ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари, муассасалар ҳамда маҳаллалар фаоллари иштирок этдилар. Тадбирда ёшлар қалбида она Ватанга меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик туйғусини ошириш мавзусидаги ҳужжатли фильм ва концерт дастури намойиш этилди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, — дейди Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова. — Баркамол ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларни ватанпарварлик ва эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашда шoir ва ёзувчилар, маданият арбоблари ижодида янада самарали фойдаланиш ҳамда ёшлар билан тизимли равишда тушунтириш, тарғибот ишлари олиб бориш, маданий-оммавий тадбирлар ўтказишдан иборат.

Гулорам ҲАМИДОВА

2008 — Ёшлар йили МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

ТОШКЕНДА "ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ" ЖАМГАРМАСИ ҲАМДА ШВЕЙЦАРИЯНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА БЮРОСИ ТОМОНИДАН МАДАНИЙ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ЧЎҚУР САМАРАДОРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда санъатшунослар, олимлар, маданият ва санъат намояндлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вақиллари иштирок этди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов, Швейцариянинг мамлакатимиздаги Факулдада ва муҳтор элчиси П.Бурхард, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари А.Паолини, санъатшунос олима Э.Гул ва бошқалар Ўзбекистонда миллий маданият ва санъатнинг барча йўналишларини ривожлантириш, бу борадаги қадимий аънава ва ноёб мактабларни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастурида маданият ва санъат йўналишида изланаётган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, бу борада фаолият олиб бораётган турли идора ва муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутарди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси миллий маданиятими, санъатими, маънавият-маърифат соҳаларида эришилган ютуқларимизни юртимиз ҳамда хорижда кенг тарғиб этиш, ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, санъат, таълим, спорт каби қўллаб йўналишларда фаоллик кўрсатаётган умидли ёшларни кашф этиш, янгидан-янги ижодий гоғлар сари даъват этишда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотидир. Жамғарма ташаббуси билан ташкил этилаётган янги лойиҳалар, бадий кўргазмалар, концертлар, фестиваллар, кўрик-танловлар ўзининг мазмун-моҳияти, аҳамияти билан халқимиз, айниқса ёшларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Давра суҳбатида маданият ва санъат соҳасидаги ижодий лойиҳаларни мувофиқлаштириш, миллий маданиятими хорижда кенг тарғиб этиш, жаҳон маданиятининг энг сўнгги ютуқ ва янгилликлари билан ҳамюртларимизни кенгроқ таништириш масалаларига оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

ЎЗА

Мазкур қарорга кўра ташкил этилган Манзарали Богдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш марказининг энг муҳим вазифаси манзарали ўсимлик қўчатларини районлаштириш, уларни устиришнинг илмий асослари, истиқболли технологиялари ҳамда сертификатлаш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Айни вақтда марказ томонидан юртимиз экологияси тоза-лигини таъминлашга хизмат қиладиган дарахт қўчатларини етказиб бериш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Марказ ихтиёридаги йилгирмадан зиёд қорхонада қарийб беш миллион туп манзарали ва мевали қўчатлар етиштирилди.

— Марказимизда эллик турдан зиёд манзарали дарахт қўчатлари ва ҳар хил гулларнинг истиқболли, ноёб навларини мамлакатимиз шароитида кўпайтириш чоралари ишлаб чиқилмоқда, — дейди Манзарали Богдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази директорининг ўринбосари Олимжон Қаҳқоров. — Юртимизга ҳар йили чет элдан катта маблағ эвазига қимматбаҳо дарахт қўчатлари келтирилади. Тяньшань арча-си, зангори арча, пирамидасимон эман, оқ қайин, пальма, каштан, япон сафораси шўлар жумласидандир.

Агар ана шу каби ноёб дарахтлар қўчатларини ўзимизда етиштирсак, уларнинг нархи анча арзонлашади. Шунингдек, қўчатларни хориждан олиб келиш ўрнига, аксинча, уларни ўзимиз четта экспорт қилиш имконига эга бўламиз. Шу боис биз келажакда ана шундай ноёб дарахт қўчатларини янада кўпайтиришга эътибор қаратаётимиз. Пальма-субтропик дарахтлар турига кирса-да, унинг "Трекакарпус" нави совуққа чидамли ҳисобланади. Бу дарахт ниҳоллари ҳам махсус иссиқхоналаримизда биринчи бор уруғидан кўпайтирилмоқда.

Айни вақтда қўчатхоналаримизда ноёб дарахт турлари районлаштиричи, тупроқ-иклим шароитимизга мослаштиришнинг илмий асослари ва технологияси ишлаб чиқилмоқда. Бунда уларнинг қатор хусусиятлари ва афзалликлари ҳисобга олинмоқда. Жумладан, ботқоқ сарви нафақат чиройли, балки сув қўп жойларга, қўл ва дарё қирғоқларига эҳтисоб, ерни эрозиядан ҳамда ювилшидан сақлайди. Қрим қарағайи, эман ҳамда Французиядан келтирилётган теракларнинг афзаллиги эса тез ўсиши ва ёғочбонлигидир. Шунингдек, марказ тизимидаги ўсимликларда тепличар ёноқ, тез етиладиган теракларни кўпайтириш, уларнинг янги турларини яратиш, пистачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, пистачининг иккита янги нави яратилиб, кенг миқёсда экишга жорий қилинди. Яна саккиз тури эса районлаштирилмоқда.

Қарор ва ижро

ЯШИЛ БОЙЛИК КЎПайМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ҲАМДА МИНТАҚА ШАРОИТИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, МАНЗАРАЛИ БОГДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КЎЧАТ ЕТИШТИРИШНИ РАЙОНЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2005 ЙИЛ 2 МАРТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДА МАНЗАРАЛИ БОГДОРЧИЛИК ВА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОР ЭЪТИҲИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ЮРТИМИЗДА МАНЗАРАЛИ БОГДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАЭТИР.

Орол денгизининг қуриб қолган шўрроқ ерларида ўсимликлар етиштириш марказ олимларининг доимий эътиборида. "Орол денгизининг қуриган тубидаги майдонларда иқота ўрмонларини барпо этиш" лойиҳасига кўра қум кўчкисининг олдини олишда муҳим ўрин тутадиган ўсимлик турларини яратиш ва кўпайтириш борасида изланишлар олиб боришмоқда. Унга кўра, ҳозир денгиз чекинган майдонларда барпо этиладиган ўрмон иқозазорларнинг модели ишлаб чиқилди. Таъкидлаш керакики, Орол денгизининг тубидаги тупроқ хиллари турличадир. Шунинг учун ҳар бир жойнинг тупроқ хусусияти ўрганилиб, натижасига қараб дарахт турини экиш самараландир.

Бу жараёнда саксовулнинг оқ ва қора навлари, черкез ўсимлиги чўл иқлимига чидамлилиги, қумларни тўса олиши ҳамда чор-вабонлиги билан Орол ҳудудини ободонлаштиришда қўл келаётган. Шу боис уларнинг чўлга мос турларини экиш учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳозир марказ ходимлари беш йўналишда илмий изланишлар олиб бормоқда. Истикболли навларни ҳўжа-ликларга етиштириб беришнинг 2006-2011 йилларга мўлжалланган дастури асосида икки йил давомида тўрт миллион туп қўчат ўрнига қарийб беш миллион туп 50 хилдаги манзарали, мевали ниҳол ва қўчатлар тайёрланди. Марказ хўжаликларига япон сафораси ва каштан қўчатларини етиштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ҳўжаликлардаги қўчатхоналарда ҳавонини тозалашда муҳим ўрин тутадиган каштан дарахти уруғидан 500 мингдан зиёд ниҳол етиштирилмоқда. Жорий йилнинг кузги экиш мавсумига йил миллион туп қўчат етказиб бериш мақсадида саккиз гектар майдонга япон сафорасининг уруғи севилади.

Амалий тадбирлар самарасида ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш кўлами кенгайиб бормоқда. 2006 йилда 47,7 миллион сўмлик қўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 110 миллион сўмга етди. Жорий йилда икки юз миллион сўмдан ортиқ иш бажариш борасида шартномалар имзоланган. Юртдошларимиз асосан баҳор ва куз фаслида қўчат экишга оdatланган. Марказда эса ҳамкорларнинг талабига кўра йилнинг исталган вақтида хоҳлаган қўчатни экиш учун ниҳолларни тўвакларда, саватларда кўпайтириш йўлга қўйилган. Бунда қўчат исталган жойга йибли билан экилади. Зеро, қўчатнинг илди-зидаги тупроғи билан экиш уни янги жойда тўла мослаштири-ши таъминлайди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

ЁШ МУСАВВИРЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҲИСОБОТИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА "ЁШЛАР ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН "ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ-2008" ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Санъат байрами Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санъатнинг барча йўналишлари, жумладан, тасвирий санъат равнақида кўрсатилаётган улкан эътибор ва гамжўрлик халқимиз, айниқса, ёшларнинг миллий ўзлигини англашида, ёш авлодни умрбоқий аънава ва қадриятларимизга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялашда, маънавий меросимизнинг ноёб ва бетакрор намуналаридан баҳраманд бўлишида муҳим омил бўлаётганини таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1997 йил 23 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги фармонига биноан ташкил этилган Бадий академия ҳам айни шу эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги ижодкорларни, ёш истеъдодларни халқимизнинг бой олдидаги масулият, миллий ўзлигини англаш гоғларини тараннум этувчи ёрқин асарлар яратишга йўналтириш ва бу борадаги ҳаракатларни рағбатлантириш академия фаолиятининг асосий йўналишларидандир. Пойтахтимизда ўтган «Тасвирий санъат ҳафталиги-2008» тадбирларида бу жиҳатлар яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

Тадбир доирасида Хоразм воҳаси мусаввирларининг ижодида бағишланган бадий кўргазма, ёш модельер ва дизайнерлар ишларидан иборат модалар намойиши, маҳорат сабоқлари, таниқли рассомлар, санъатшунослар иштирокидаги давра суҳбатлари, анжуманлар, концертлар бўлиб ўтди. Моҳир рассомлар, ҳайкалтарошлар, қўли гул уста ва ҳунармандлар ҳаёти, фаолияти ва ижодида оид фильмлар намойиш этилди. Санъатшунос олимлар, мўйқалам соҳиблари томонидан ёш ижодкорларнинг фаолияти, изланишлари атрофича тахлил этилди.


Ҳамро Раҳимов, Икром Қаландаров сингари хоразмлик ёш ижодкорлар Ўзбекистон Бадий академиясининг қумуш медали билан тақдирланди. Ёш рассом Акмал Жамолов, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Жасвант Анназаров, Республика рассомлик коллежи ўқувчиси Элёр Муродов, Республика дизайн коллежи ўқувчиси Феруза Солихова, Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари Аббос Турдиев ва Ҳожиакбар Эркинов биринчи ўринларга лойиқ топилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

КУЧЛИЛАР ПЕКИНГА БОРИШАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ВА РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛЛИ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ХИТОЙ ТИЛИГА КЎПРИК» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ТАНЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛАЭТГАН ХИТОЙ ТИЛИ ВА МАДАНИЯТИНИ ЧЎҚУР ЎЗЛАШТИРГАН ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДАГИ УШБУ ТАНЛОВ ГОЛИБИ ПЕКИНДА ЎТАДИГАН ФИНАЛ БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ.

Бу халқаро танлов Ўзбекистонда учинчи бор ўтказилмоқ



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО ХИКМАТЛАР

Тутқаноқни кўзгатувчи сабабларга гоҳо сиртки сабаблар ҳам ёрдам беради. Масалан, ҳаддан ташқари кўп ейиш, ичиш ва меъда бузилиши; офтобда кўп бўлиш моддани миёга тортади, чунки бу иш моддаларнинг гавданнинг бошқа томонига боришига монелик қилиб, уларни юқорига томон кўзгатади.

Юрак аҳволини далиллар орқали билиш йўллари саккизтадир: томир уриши, нафас, кўкракнинг тузилиши, кўкракдаги мўйлар, баданнинг ушлаб кўрилгандаги ҳолати, баданда пайдо бўладиган ҳоллар, ҳулқ, баданнинг кучли ёки кучсизлиги ва турли ҳаёллар.

Хафакон юракка пайдо бўладиган учганга ўхшаш бир ҳаракатдир. Унинг сабаби юракка азият берувчи ҳар бир нарса бўлиб, у юракнинг ўзида, ё унинг ғилофиди бўлади, ёки юракка у билан ёнма-ён турган ва ҳамкор аъзолардан келади.

Дориларни кўп истеъмол қилиш ҳам яхши эмас, бунда меъда ўз ишида дорининг ёрдамига одатланиб қолади.

Билгинки, меъда касалликларининг кўпи ҳазм бузилишидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳазм бузилишидан сақлан, унинг сабабларидан, яъни микдори ва табиати тўғри келмайдиган ва одат бўлмаган овқатлардан ҳамда яхши ҳазмга тўқилмаган қиладиган ҳаводан сақлан. Тўқилмак меъданинг душманларидандир, шунинг учун очофат кишининг бадани семирмайди, чунки унинг егани ҳазм бўлмайди ва ундан баданга ҳеч нарса кўшилмайди. Аммо ҳали иштаҳаси бўла туриб, овқатдан ўзини тортувчи киши семиради, чунки меъдаси овқатни яхши ҳазм қилади.

Ҳамма мазаси ёмон нарсалар меъда учун ёмондир.

Меъда кучсизлиги деб меъданинг шундай ҳолатига айтадиларки, у овқатни яхши ҳазм қила олмайди ва овқатга боғлиқ сабаблардан бирон-тасининг ҳам бўлмаслигига қарамай, ейилган овқат кишини жуда бехузур қилади.

Билгинки, меъда кучсизлиги деярли гавданнинг ҳамма касалликларига сабаб бўлиши мумкин.

Меъдада яра борлигига гоҳо кекирикнинг сасиқлиги ва тилни қуритадиган бугнинг кўтарилиши ҳам далолат қилади.

Билгинки, овқат устига овқат ейиш ва овқатланиш тартибини бузиш жигарга энг зарарли нарсалардан саналади.

Ширинликлар жигарга ёқади, уни семиртиради, улғайтиради ва кучли қилади, лекин улар жигарда тезда тикилмалар пайдо қилади, чунки жигар уларни бошқа хилларга қўшиб қаттиқ тортади. Шунинг учун жигарида иши бор киши ширинликлардан сақланиши керак, чунки ширинликлар тезда ўтга айланади ҳамда тикилмалар пайдо қилади. Тикилмалар пайдо қилиши сабабли куюқ ширинликлар, ўтга айланиши сабабли мазаси ўткир ширинликлар жигарга жуда зарар қилади.

Кишининг ранги кўп ҳолларда жигар аҳволига далолат қиладиган нарсалардандир. Тажрибали табиб жигар ва меъда касаллигига учраганларнинг ҳаммасини рангидан билади ва у бошқа бир далилга муҳтож бўлмайди.

Сариқ касаллигига учраган кишилар учун сариқ нарсаларга қараш фойда қилади, чунки бу нарса табиати савдоли моддаларнинг ҳаммасини терига қараб ҳайдашга кўзгатади ва шу билан даволаш иши энгиллашади, дейдилар.

Соғлиқни сақлаш санъати ўлимдан омон қолдириши ва гавдани сиртки офатлардан қутқаришига кафил бўлолмайди.

Одамларнинг саломатлиги ташқи шароит билан чамбарчас боғланган.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари институтининг собиқ доценти Азиза Ғуломовна САИДХҲАЕВАНИНГ вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.



Кўргазмалар

РЕРИХ ЮРГАН ЙЎЛЛАР БЎЙЛАБ

ТОШКЕНТ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА Н.РЕРИХНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЭКСПЕДИЦИЯСИГА 80 ЙИЛ ТЎЛИШИГА БАҒИШЛАБ НИКОЛАЙ РЕРИХ НОМИДАГИ МУЗЕЙ-МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САҲЪАТ АРБОБИ, ЖАВОҲАРЛАБ ЁНЕРУ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОВРИНДОРИ ЛЮДМИЛА ШАПОШНИКОВАНИНГ «УСТА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙЛАБ» НОМЛИ ФОТОСУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Таъкидлаш жоизки, кўргазма муаллифи Людмила Шапошникова жаҳонда доврўф қозонган олим, хиндшўнос, ёзувчи бўлиб, унинг китоблари дунёнинг кўпгина тилларида таржима қилинган.

У Рерихлар экспедицияси йўналишининг катта қисмидан ўтган дастлабки аёл бўлиб, таджикотчилар ва мухлисларга яхши таниш бўлган «Олтойдан Химолайгача» альбом-китоби ҳамда «Буюк саёҳат» фундаментал трилогия-

сининг муаллифидир.

Кўргазмадан Шапошникованинг 166 та ноёб суратлари ўрин олган бўлиб, уларда Олтой, Мўғлистон, Тибетда яшовчи аҳолининг ўзига хос ҳаёт тарзи, урф-одат ва удумлари, либослари, ҳудуднинг табиати ва архитектураси ёрқин тарзда акс этган.

Ўзининг Олтой, Тибет мавзусидаги кўпгина суратларида Людмила Шапошникова табиат гўзалликлари, тоғлардаги тонг

нашидасини муҳрлар экан, гўёки Н.Рерих мўйқаламидан чиққан расмлар мавзусини давом эттираётгандек туюлади кишига. Ушбу кўргазма Рерих ташкилотлари халқаро Кенгаши Рерихларнинг Тяньшань ҳамда Тошкент жамиятлари томонидан уюштирилди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар

Алексей Попов олган суратлар

Кураш

МАПУТУ ҚИТЪА ПОЛВОНЛАРИНИ ҚАРШИ ОЛДИ

ЖАНУБИЙ АФРИКА КУРАШ ИШҚИБОЗЛАРИ ВА ПОЛВОНЛАРИ ЯНА БИР БОР ҚИТЪАВИЙ МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТҚАЗИШ УЧУН МАПУТУ ШАҲРИДА ЖАМ БЎЛДИЛАР. БУ ЙИЛГИ ЧЕМПИОНАТ МОЗАМБИК ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛЛАШТИРИЛДИ.

Мусобақа гиламида эркаклар, аёллар билан бирга кичик ёшдаги болалар ҳам беллашдилар. Турнирда Ангола, Ботсвана, Мозамбик, Свазиленд, Жанубий Африка Республикаси, Замбия, Зимбабве каби давлатлардан ташриф буюрган полвонлар курашининг гўзал усулларини намойиш этдилар.

Ушбу чемпионатда Африка кураш конфедерацияси фахрий президенти, Африка қитъавий Олимпия кўмиталари президенти Ласанно Паленфонинг иштироки мусобақа нуфузини янада оширди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, чемпионат олдидан ўтказилган ҳакамлар семинари кураш қоидаларига киритилган янгилликлар билан яқиндан танишиш имконини яратди. Мусобақаларни Жанубий Африка Республикаси, Ангола, Зимбабве ҳамда мозамбиклик ҳакамлар бошқариб бордилар. Яқунлар эса куйидагича бўлди.

Эркаклар: 56 килограмм вазн тоифасида биринчи ўрин Эммануэл Мафута (Замбия), 60 килограммга вазнда 1-ўрин Л.Якобе (Жанубий Африка Республикаси — ЖАР) 66 килограмм вазнда биринчи ўрин Г.Банзи (ЖАР), 73 кило-

граммли полвонлар ўртасида биринчи ўрин А.Антоино (Ангола), 90 килограммга баҳса биринчи ўрин Б.Мунёга (Замбия), 100 килограммга биринчи ўрин С.Бенето (Ангола)га насиб этган бўлса, ва мутлақ вазндаги полвонлар ўртасида Д.Силва (Ангола)лар голибликни кўлга киритдилар. Аёллар ўртасида ўтган беллашуларда Жанубий африкалик Таниа Баттен, анголалик Яснейд Гангел, Жанубий африкалик Бьянка Виссер, анголалик Антонина Мурейра, Кати Ямиссе (Мозамбик) Элема Ишона (Ангола) биринчи ўрин соҳибаси бўлдилар.

Келгуси йилдаги Африка қитъасининг голиблигини белгилаб берадиган чемпионатга Замбия давлати мезбонлик қилади. Бу чемпионат шуниси билан ҳам аҳамиятли бўладики, айна шу давлатда 2011 йили Африка ўйинлари ўтказилади.

Олис қитъада бўлиб ўтган чемпионат голиблигини батафсил таништиришдан мақсадимиз шуки бу сизу бизнинг спортимиз голиблири, демакки узоқ китваларда ҳам ўзбек кураши галаба қозонмоқда. Гули ЧЕХРА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 3 июнь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига

Куйидаги мулклар куйилмоқда:

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 21 январдаги 2082-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Водник даҳасида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ «Ахборот маркази» оиборхонасида сақланаётган, давлат рақами 30Е5135 бўлган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган ВА3-2103 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2.221.000 сўм.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 10 январдаги 715-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 даҳасидаги Ш.Рашидов ва Хуршид кўчалари кесилиган чорраҳада жойлашган «Шаҳнозаҳон» номили жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами Х454УНМ бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган АУДИ-С4 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10.000.000 сўм.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2008 йил 14 февралдаги 342/2-сонли ва 2007 йил 22 августдаги 1-319/2007-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган, Тошкент вилояти Кибрай тумани ИИБ ИХБнинг жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 11Т06-31 бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган ВА3-21063 русумли автотранспорт воситаси (техник носоз). Бошланғич баҳоси — 1.674.564 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз микдоридида зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 20208000804234776001 тўлашулари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишулари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдидан тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Ҳўжаев кўчаси, 1. Тел: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия ДВ001-000010.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида бўлиб ўтадиган

ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 18 декабрдаги 10-0708(12)/13346-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган, «Азия-Чем» ҚҚ туғатиш бошқарувчи томонидан, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 35-ўй манзилида жойлашган «Азия-Чем» ҚҚнинг мулкий мажмуаси куйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2.002.043.839 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 4 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулкий мажмуа 4 июнь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 6 июнь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдидан тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда зақалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекбанк» С.Раҳимов ф-даги МФО:00901, ИИН:200933850, Х/Р: 20210000500571452105 тўлашулари шарт. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т. М.Уразабоев кўч, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

ЯПОНИЯ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ ИНСОН РЕСУРСЛАРИ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЕТИНЧИ БОР «КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ» МАВЗУСИДА АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Танловда пойтахтдаги 42, 60, 110 ва 225-умумтаълим мактаблари, «Болалар академия плюс» ҳамда «SOS» болалар шаҳарчасидан жамоалар иштирок этди.

Танлов кунчиқар мамлакатнинг халқи, маънавияти, урф-одатлари ҳақида кенгрок тасаввур уйғотиш мақсадида ташкил этилди. Унинг шартлари ҳам қизиқарли, яъни саволлар ҳам, жавоблар ҳам ўйин шаклида ташкил этилган. Шунингдек, Япониянинг тарихи, географик жойлашуви ва урф-одатлари ҳам жонли ҳаракатларда акс эттирилган ва бу болалар онгига тез таъсир этиш каторида узоқ сақланади.

— Мен иккинчи йил мактабимиз жамоаси сафида ушбу танловда иштирок этишман,—дейди иштирокчилардан бири Эльвина Каримова.—Натижада бу мамлакат урф-одатлари, жойлашуви хусусида кўп нарсани билиб олдим. У ердаги машҳур кишилар, халқнинг сеvimли таомлари ҳақида билимларга эга бўлдим. Орзуим, қачондир бу диёрни бориб кўриш.

Таъкидлаш лозимки, танлов ўтказиб келинаётган давр мобайнида, унда 50 дан зиёд мактаб ўқувчилари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди. Фолиблар 3 мактабларига шухрат келтириш каторида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Навбатдаги танловда эса «Болалар академия плюс», «SOS» болалар шаҳарчаси ва 110-мактаб жамоалари голиб бўлишди. Уларга ташкилотчилар томонидан DVD плэйерлар, спорт тўплари ва соатлар тақдим қилинди.

«Туркистон-пресс»

Ер юзида замбуруғларнинг 100000 дан ортик ботаник турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 туригина истеъмол қилиш учун яроқлидир.

Ўзбекистон ҳудудида замбуруғларнинг 300 дан зиёд тури ўсади. Бирок шулардан 25 туригина истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Бундай замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли «кўзкоринлар» деб атади. Шунинг

ли моддалар йўқолиб кетмади. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибатда истеъмол қилган кишиларни захарланишга дучор қилади. Шундай ўткир захарли кўзкорин турларидан бири «Лепиота» деб аталади. У шахримиз ҳудудидаги боғларда,

махсулотларни савдо шохобчаларидан ҳарид қилишингизни тавсия қиламиз. Захарли кўзкоринларни билмай истеъмол қилган кишилар орандан 6-12 соат вақт ўтгандан сўнг кўнгли айнаб, тез-тез қайт қилади. Ошқозон-ичак фаолияти бузилади, қоринда оргрик пайдо бўлиб бутун аъзои-бадани бўшашиб кетади. Кўзкорин тарихидаги захар-

Шифокор оғоҳлантиради

ЗАХАРЛИ КЎЗКОРИННИНГ САҚЛАНИНГ БАҲОР ФАСЛИДА ОБ-ХАВОНИНГ НАМ КЕЛИШИ, ЁНИНГАРЧИЛИКЛАР ТУФАЙЛИ ЗАМБУРУҒЛАР ЎСИБ, РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ВУЖУДГА КЕЛАДИ. БУ ФАСЛДА КЎПЛАБ ЗАМБУРУҒЛАР ПАЙДО БЎЛАДИ ҲАМДА ЎСИБ КЎПАЯДИ.

ушун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоятида, ҳар бир туманида кўзкоринларнинг фақат айрим, муайян турларигагина тегилиб, улардан турли хилдаги тансиқ таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли кўзкоринлар маъданини моддалар, оксил ҳамда «С» ва «В» гуруҳларига мансуб витаминларга жуда бойдир.

Бирок республикамиз ҳудудида ўсадиган кўзкоринларнинг 275 дан зиёд ботаник турлари захарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай кўзкорин турларини маҳаллий аҳоли ўз ибораси билан захарли ўсимлик — «қурбақанинг салласи» деб атади.

Бу турларга мансуб кўзкоринлар тарихида гелвелли кислотаси, фаллотоксин, аммонитоксин ва бошқа захарли моддалар мавжуд бўлиб, бундай кўзкоринларга қанчалик ишлов берилмасин, улар тарихидаги захар-

ли моддалар жигар, буйрак, меъда ости бези ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлайди. Захарланиш аломатлари вужудга келган тақдирда беморга 5-6 пайла илик намакобили сув ичирилиб, уни сунъий қайт қилдириб, меъдаси ювилиши керак. Агар меъда ювилиб, ундаги захарли моддалардан халос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва захарланиш янада оғир кечади. Бу беморларни уй шароитида билар-билмай даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолнинг олдини олиш учун зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг.

Эсингизда бўлсин, захарли кўзкоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.

Шухрат ЮСУПОВ, Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими муҳбири

Мунажжим башорати

2 МАЙ, ЖУМА Агар хушёр бўлмасангиз, бугунги кун рамзи бўлган Ботқоқлик сизни «турмуш ташвишлари ботқоғи»га тортиб кетиши ҳеч гапмас. Аммо фаол ҳаракатлардан тийилиб туриш ва имкон қадар дам олиб, хордиқ чиқариш тавсия этилади. Бугун ҳеч бир янги ишга кўл урманг. 24 соатлик рўза тутиш, ҳаммом бурҳонасига тушиш ёки тинчлантирувчи массааж қабул қилиш фойдали.

Берилган ваъдаларни бажариш, никоҳ ришталарини боғлаш, жисмоний машқлар, қурилиш ишлари, саёҳатларга йўл олиш ёки улардан қайтиб келиш хайрли ҳисобланади. Куннинг биринчи ярмидаги атрофдагиларга муносабатингиз ҳамшира ҳам тўғри бўлавермайди, аммо ҳамдардлик ва самимилик сизнинг доимий йўлдошингиз бўлиши керак.

Даволанишнинг биоэнергетик усулига бугун мурожаат этмаганингиз маъқул. Гипертония ва юрак-қон томир касалликлари зўрайиши эҳтимоли мавжуд. Куннинг биринчи ярмида тишларни даволатиш ва сунъий тиш қўйдириш тавсия этилмайди. Игна билан даволовчилар хизматидан фойдаланиш бугун хавфли бўлиб, асорати ёмон бўлиши мумкин. Ошқозон-ичак йўллари даволаш билан боғлиқ барча мулажалар фойдали бўлиши қутилади.

Тушларингиз ғамгин ва оғир бўлиши мумкин, лекин улар ўнгидан келмагани учун ташвишланишинг ҳолати йўқ.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 306

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусxada босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1. 3.4.5.6